

# Аллоҳдан бошқада ўзгартириш ва қувват йўқ

13:31 / 10.09.2019 3194

Билол розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозга чиқсалар, қуйидаги дуони ўқир эдилар:

???????? ?????? ?????????? ?????????? ?????????????????? ??????  
?????? ??? ?????????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????????  
????????????? ?????????? ?????????????????????? ?????????? ??????????????  
????????????????? ??????? ?????????????? ?????? ?????????????????? ??????????  
?????? ?????????????? ??????? ?????????????? ??????? ???????????????  
?????????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????????????  
????????????????? ?????????????????? ?????? ?????????????????? ??????  
????????????????? ?????????????????????????? ??????????????????

«Бисмиллаҳи аманту биллаҳи таваккалту ѓалаллоҳи ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ. Аллоҳумма бихаққис соилийна ѓалайка ва бихаққи махрожий ҳаза фаинний лам ахружху ашаран ва ла батаран вала рийа`ан ва ла сумъатан, хорожту ибтифоа марзотика ваттиқоа сахотик, ас`алука ан туъийзаний минан нар ва тудхиланий ал-жаннаҳ».

**Маъноси:** Аллоҳнинг исми билан. Аллоҳга иймон келтирдим. Аллоҳга таваккал қилдим. Аллоҳдан бошқада ўзгартириш ва қувват йўқ. Эй Раббим, сўровчилар ҳаққи ва чиқувчилар ҳаққи, мен такаббурлик, куфроналик, риёкорлик ёки овоза бўлиш учун чиққаним йўқ. Бу чиқишимдан мақсад Розилигингни талаб қилиш, ғазабингдан қўрқиш, дўзахдан паноҳ талаб, жаннатга киришни сўрашдир).

*Ибн Сунний бу ҳадисни заиф деганлар.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан**